ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-4-4-9

ИБН СИНОНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИНИ ГЕОГРАФИК ЎРГАНИШ МАСАЛАЛАРИ

Ҳилола Шуҳратовна Джўрабоева
Фарғона давлат университети география кафедраси катта ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўрта Осиёлик буюк аллома Абу Али ибн Синонинг тиббиётга доир айрим асарларида инсон саломатлигини асрашда атроф-табиий муҳитнинг таъсирига оид анъанавий билимларнинг қўлланилиши географик нуқтаи назардан ўрганилган.

Калит сўзлар: Анъанавий географик билимлар, етти иқлим, илмий мерос, маънавий мерос, мизож, уржуза, қомусий олим

КИРИШ

Тарихга назар ташласак, аждодларимиздан бизга улкан маънавий мерос қолганки, улар бугун ҳам беқиёс қадр-қимматга эга. Жаҳон фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган Ўрта Осиёлик буюк алломалардан бири Абу Али ибн Синодир. Ибн Сино милодий 980 йилда Бухоро шаҳри яқинидаги Афшона қишлоғида туғилган. У асосий билимларини Сомонийларнинг пойтахти (X аср), сиёсий ва маданий ҳаётнинг маркази бўлган Бухоро шаҳрида олди. XI асрнинг бошларида Қорахонийлар томонидан Бухоро босиб олингандан сўнг Ибн Сино Хоразм давлатининг маркази Урганчга кўчиб ўтди. Кейинчалик Урганчда ҳам сиёсий аҳвол ўзгариб, шаҳар Махмуд Ғазнавий томонидан ишғол қилингач, у Каспий денгизининг жанубидаги Журжонга кетишга мажбур бўлади. Умрининг сўнгги йилларини Эроннинг Исфаҳон, Рай, Ҳамадон шаҳарларида ўтказди [1].

Ўз давридаги фанларнинг қарийб барчаси бўйича илмий изланишлар олиб борган Ибн Сино, жаҳон фани тарихида қомусий олим сифатида тан олинган. У фалсафа, тиббиёт, геология, минералогия, физика, кимё, математика, астрономия, география, адабиётшунослик, мусиқа, мантиқ, психология ва бошқа фанларга оид юзлаб асарлар яратган [2]. Шунинг учун уни Шаркда «Шайх ар-раис», яъни «донишмандлар сардори» деб атаганлар.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Олимнинг аксарият фалсафа ва тибга оид асарлари инглиз, рус, француз, немис, турк, ўзбек, ҳинд, араб ва бошқа тилларга таржима этилиб, асрлар

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-4-4-9

давомида қайта-қайта нашр қилиб келинган. Маълумотларга кўра, Ибн Сино асарларининг нашр этилиши илк китоб босиш техникаси пайдо бўлгандан бошлаб, ҳозирги кунгача давом этиб келмоқда. Жумладан, унинг машҳур “Тиб қонунлари” китоби дастлаб XII асрда лотин тилига таржима қилинган [5].

Ибн Синонинг илмий мероси тиббий, ижтимоий-фалсафий, сиёсий-ҳуқуқий, педагогик, психологик, математик, геологик, ботаник, физик ва кимё нуқтаи назаридан жаҳон олимлари томонидан чуқур ўрганилиб, кўплаб илмий тадқиқотлар учун объект вазифасини бажарди, докторлик диссертациялари ҳимоя қилинди, мақола ва библиографик китоблар нашр этилди. Фанларнинг қайси соҳасида Ибн Синонинг асарларига доир илмий изланиш олиб борилган бўлса, шу фан нуқтаи назаридан тадқиқ этишга ҳаракат қилинди. Биз ҳам буюк бобокалонимизнинг бебаҳо маънавий меросига географик нуқтаи назардан ёндошишга ҳаракат қилдик. Мазкур мақолада Ибн Синонинг барча асарларини қамраб олишга ожизлик қиламиз, албатта. Қуйида буюк қомусий олимнинг тиббиётга доир айрим асарларида инсон саломатлигини асрашда атроф-табиий муҳитнинг таъсирига оид анъанавий географик билимларнинг қўлланилиши ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Турли манбаларда Ибн Синонинг 450дан ортиқ асар ёзганлиги қайд этилади, лекин бизгача 242таси етиб келган, холос [6]. Гарчи, Ибн Синони Ғарбда «Авиценна» сифатида машҳур қилган унинг тиббий мероси, хусусан, «Тиб қонунлари» бўлсада, «Шайх-ар-раис» номи, аввало унинг буюк файласуфлигига ишорадир. Ибн Сино асарларининг миқдорий нисбатига назар солсак, олимнинг қизиқиш ва эътибори кўпроқ фалсафа ва тибга қаратилганлигини кўриш мумкин. Унинг табиият ва тиббиётга бағишланган асарлари, хусусан “Китоб аш-шифо”, “Донишнома”, “Тиб қонунлари”, “Нажот китоби”, “Уржуза” кабиларда соғлиқни сақлашнинг назарий масалаларига тўхталиб, олим инсон саломатлигида жойнинг табиий шароитлари, жумладан сув ва тупроқ, иқлим ва ҳавонинг муҳим ўрин эгаллашига алоҳида эътибор қаратади. Дори тайинлашда биринчи навбатда беморнинг мижози, ёши ҳамда у яшайдиган табиий географик шароитларни ҳисобга олиш албатта зарурлигини таъкидлайди.

Ибн Сино “Табобат ҳақида уржуза” достонида инсон саломатлигини сақлашда иқлим омилларининг аҳамиятига тўхталиб, жумладан шундай ёзади: “Зарурий ишлардан биринчиси ҳаводир. Ҳавога Қуёшнинг ҳукмлари бор. У ҳукмлар (йил) фаслларида ва ёритқичларга тушишида аён бўлади. Иқлимларга ҳам унинг (Қуёшнинг) таъсири бор. Ҳаво ҳар бир чиқадиган ва ботадиган ёритқичлар (оралиғидаги масофа миқдори)га нисбатан ҳам ўзгаради. Қуёш

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-4-4-9

қачон юлдузга яқинлашса, ҳавода алангаланишни қўзғотади. Юлдуз қачон Қуёшдан узоқлашса, ҳаво бироз совиган кўринади" [2, 31б.]. Замонавий иқлимшуносликда Қуёш радиацияси, ҳаво ва атмосфера намлиги иқлимнинг моддий ифодаси сифатида эътироф этилишини ҳисобга олсак, олим томонидан иқлимнинг шаклланиш омилларига нақадар тўғри таъриф берилганлигини кўриш мумкин [8]. Ҳозирги кунда айрим касалликларнинг авж олиши бевосита осмон жисмлари, хусусан Қуёшнинг ҳолатига боғлиқ эканлиги фанда исботланган. Масалан, "D", яъни "Қуёш" витамини тишлар, суяклар ва мушакларни мустаҳкамлайди, британиялик тиббиёт профессори Жон Родснинг таъкидлашича, шамоллаш ва гриппга қарши курашишга ҳам ёрдам беради. Одам организмида "D" витамини етишмаслиги рахит, остеомаляция ва бошқа касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади [3. 47б.].

Ибн Сино "Уржуза"да инсон саломатлиги ва ранги (ирқи)га иқлимнинг таъсири борлигига тўхталиб, қуйидагиларни таъкидлайди: "Кишиларнинг рангига қараб далил ахтарма, агар унга мамлакатларнинг таъсири бўлган бўлса. Занж (Африканинг шарқий соҳили)да иссиқлик танларни ўзгартириб юборган, ҳатто у танларнинг терисига қораликни кийим қилиб кийгизган. Сақлаб (славян)лар ўзига оқликни олган, шу қадарки, уларнинг териси нафис-нозик бўлиб кетган. Агар етти иқлимнинг чегарасини билиб олсанг, мизожнинг ҳамма турларига ошно бўлган бўласан. Ўша иқлимлардан (мизожда) мўътадил ва текиси тўртинчисидир, ранг унда мизожга тобедир" [2, 26б.].

Маълумки, «иқлим» тушунчаси юнонча «клима» сўзидан олинган бўлиб, юнонлар турли географик кенгликдаги жойлар иқлими фарқини қуёш нурларининг ер бетига тушиш қиялиги-климага ва куннинг неча соат давом этишига қараб ўлчаганлар [8]. Ибн Сино томонидан тилга олинган "етти иқлим" тушунчаси дастлаб юнон фанида вужудга келиб, ўрта асрларда мусулмон Шарқи илм-фанида ҳам кенг тарқалган. Беруний ўзининг "Геодезия" асарида «Улар (юнонлар) одам яшайдиган ерни аниқроқ бўлган (кеча ва кундуз орасидаги) тафовутга мувофиқ бир-бирига (параллел) бўлган чизиқлар билан 7 иқлимга бўлганлар. У чизиқлар Машриқда маъмур ерларнинг энг узоғидан тортиб Мағрибнинг охирига боради. Улар биринчи иқлимнинг ўртасидан бошлаб энг узуни 13 соат бўладиган ёз куни, иккинчи иклимнинг ўртасини энг узуни 13 ярим соат бўладиган ёзнинг кунига илаштирдилар. Шундай қилиб, иқлимнинг ўртасини ярим соатдан ошириб бориб, энг узуни 16 соат бўладиган ёз кунига илаштирдилар», деб ёзади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-4-4-9

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Маълум бўладики, юнонлар Ерни астрономик услубда, яъни Қуёш нурининг Ерга қия тушиши асосида экватордан шимол томонга Етти иқлимга бўлганлар ва уларнинг чегаралари энг узун ёз куни ярим соатдан фарқ қиладиган жойдан ўтган. Шарқ географиясида юнон фанидаги «етти иклим» тушунчаси қабул қилинган. Чунончи, юнонлар Етти иқлимга ернинг улар тушунчасидаги аҳоли яшайдиган обод қисмини (Шарқий ярим шарнинг шимолий палласини) киритганлар ва уни «ойкумена» (юнонча “ойкео” - обод қилмоқ) деб атаганлар. Шарқ географиясида мазкур тушунча арабча «маъмура» (обод жойлар) ёки «рубъи маскун» (Ернинг одамлар яшайдиган чораги) деган сўзлар билан ифода этилади. Абу Райҳон Беруний “Геодезия” асарида етти иқлимнинг жанубий чегарасини 12° 39' 5" шимолий кенгликдан ўтказди ва ундан экваторгача бўлган оралиқни «биринчи иқлимнинг нариёғидаги ерлар» деб атади. Кейинги иқлимларни шунга параллел равишда шимолга давом эттириб, еттинчи иқлимнинг шимолий чегарасини 50° 24' 34" шимолий кенгликкача етказди [9. 457б.]. Етти иқлим доирасидаги ерларни обод жойлар деб, етти иқлимдан шимолдаги ва биринчи иқлимдан жанубдаги маълум ерларни ободонлиги нисбатан камроқ ерлар қаторига киритди. Абу Али ибн Сино “уржуза”да таъкидлаганидек, табиб ана шу етти иқлимнинг чегарасини билиши ва беморни даволашда жойнинг табиий географик хусусиятларини ҳисобга олиши муҳим аҳамиятга эга.

Географияда ер юзасидаги бирон-бир нуқта ёки ареалнинг шу нуқтадан ёки ареалдан ташқарида бўлган ҳудудлар ёки объектларга нисбатан тутган ўрни географик ўрин дейилади. Ибн Синонинг “Табобат ҳақида уржуза” асарида шаҳар (мамлакат) ва тоғларнинг географик ўрнига қараб иқлимнинг ўзгариши ҳақида ҳам қимматли маълумотлар учрайди: “Қайси бир шаҳар тоғ устида жойлашган бўлса, у ер (бошқа ерга нисбатан) совуқ бўлади. Агар шаҳар тоғлар тагидаги чуқурликда жойлашган бўлса, унинг мизожида иссиқлик бор деб ҳукм қил. Агар (шаҳар тоғнинг) жанубига жойлашган бўлса, унда иссиқ шамол эсиб туришига ҳукм қилинади” [2. 31б.]. Юқоридагиларни таъкидлаш орқали Ибн Сино табибга бемор учун дори тайинлашда жойнинг географик ўрнини аниқлаш муҳим эканлигини уқтиради.

Асарда жойнинг географик ўрнини иқлимнинг шаклланишига таъсири борлиги ҳақидаги фикрлар ҳам диққатга сазовордир, яъни, “Агар тоғлар у шаҳарнинг жанубида бўлса, шимолий шамолнинг совуғи унга таъсир қилади. Агар тоғлар ғарб томонда бўлса, у шаҳарнинг ҳавоси оғир бўлади, шарқ томонда бўлса, тоза бўлади” [2. 31б.].

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-4-4-9

Ибн Сино айниқса турар жой танлашда ва уй-жой қуришда жойнинг географик ўрни, рельефи, тупроқ, иқлим, сув ва гидрогеологик шароитларни эътиборга олиш масалаларига жиддий қараган. У ўзининг “Тадобир ал манзил ав ас-Сиёсат ал-аҳлия” асарида ёзишича, “Турар жой танловчи киши қуйидагиларни билиши керак: ернинг тупроғи, баландлик ва пастлиги, очиқ ва ёпиқлиги, суви, сувнинг моддаси, оқиб чиқишлиги ва очиқлиги ёки унинг баландлик ва пастликдан оқишлиги, у ерда шамоллар эсадими, ёки у жой чуқурликдами, шамоллар қанақа – улар совуқ соғлом шамолларми, у ерга яқин жойда қандай денгизлар, ботқоқлар, тоғлар ва конлар бор. Яна ўша жой аҳолисининг соғлик ва касаллик ҳолларини, уларга қайси касалликлар одат бўлиб қолганини билиши керак; ... шунингдек, биноларнинг ҳолатини билиши керак; улар кенг ва очиқми? Кириладиган ерлари торми ва ҳаво кирадиган жойлари сиқиқми? Сўнгра дераза ва эшикларни шарқ ва шимолга қаратиб қуриши керак” [5. 123б.].

Ибн Синонинг тиббиётга оид асарларида аксарият ҳолларда сувнинг таркиби, ҳолати ва инсон саломатлигига таъсирига алоҳида аҳамият қаратилади: “Қудуқ ва ер ости каналларининг сувлари оқиб чиқадиган булоқ сувларига нисбатан ёмондир. Чунки улар узоқ муддат давомида ер бўлакчалари билан аралашган ҳолда қамалиб ётиш натижасида маълум даражадаги сасишдан холи бўлмайди. [4.63б.]

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек халқининг анъанавий маънавиятига улкан хисса қўшган Абу Али ибн Синонинг бой ва серқирра мероси кўп асрлардан бери дунё олимларини жалб этиб келмоқда. Буюк аллома асарларини географик нуқтаи назардан тадқиқ этиш, айниқса ҳозирги коронавирус пандемияси шароитида касалликларни даволашда инсоннинг мизожи билан бирга, у яшайдиган табиий географик шароитларни ҳисобга олиш аҳоли саломатлигини сақлаш, ўсиб келаётган ёш авлодни соғлом вояга етказиш ва уларни турли юқумли касалликлардан муҳофаза қилишда муҳим аҳамият касб этади.

REFERENCES

1. Абу Али Ибн Сино Тиббий ўгитлар/ Тузувчилар У.И.Каримов, С.У.Каримова – Т.: Меҳнат, 1991.-191б.
2. Абу Али Ибн Сино Тиббий рисолалар. Бир томлик. – Т.: “Фан”, 1987. – 350б.
3. Juraboeva H.Sh. Eco-geographical basis of uzbek national values. Trans Asian Research Journals AJMR: Asian Journal of Multimensional Research (A Double

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-4-4-9

Blind Refereed & Peer Reviewed International Journal Vol 9, Issue 11, November, 2020.

4. Ибн Сино шифобахш ўсимликлар ҳақида/ Тузувчи ва нашрга тайёрловчи Анвар Собиржон ўғли – Т.: Меҳнат, 1994.-80 б.

5. Ирисов А. Абу Али ибн Сино ҳаёти ва ижодий мероси. Т.: Фан, 1980.-205б.

6. Каримов У.И. Буюк аллома. Т.: “Шарқ юлдузи” №1 1979, 199-б.

7. Рахимов С.Р. Психолого-педагогические взгляды Абу Али ибн Сины. – Т.: Ўқитувчи, 1979. -С.120.

8. Шубаев Л.П. Умумий ер билими. – Т.: Ўқитувчи, 1975. -353б.

9. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 3-жилд. -Т.: ЎзМЭ, 2002.-704б.

10. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 4-жилд. –Т.: ЎзМЭ, 2002. –704б.